



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
25 июль
ЧОРШАНБА
№ 60
(11.967)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

ЯШИЛ БОЙЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Тошкент ўрмон ҳўжалиги вилоятимизнинг энг сўлим ва ҳушманзара гўшаларидан ҳисобланади. Умумий саҳни 4127 гектар майдонни эгаллаган ҳўжалиқда маданий ўрмонлар 828 гектарни ташкил этади.

Ўз касбини севган, табиат, гўзалликка ҳамиша ошно яшовчи ўрмончиларнинг саъй-ҳаракатлари билан бу ҳудудда ҳар йили 25-30 гектар янги маданий ўрмонлар барпо этилаётди. Бунинг учун ҳўжаликнинг ўзида, қарийб 5 гектар ерда игна баргли, ноёб декоратив кўчатлар етиштирилмоқда. Бу ерда йилга тайёрланаётган 200-250 минг туп ана шундай кўчатлар аҳоли ва бир қатор ташкилотлар бу-

юртмасага биноан етказиб берилиб, тураржойлар, кўча ва хиёбонларни бебаз турибди. Дарвоқе, ҳўжалиқда асаричилик билан ҳам шугулланилиб, тармоқни кенгайтириш ва ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётди. Айни вақтда ҳўжалиқда 120 та асалари оиласи парваришланмоқда. Бу ерда ҳар мавсум 960-980 килограмм юқори сифатли, табиий, шифобахш асал тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

СУРАТДА:

асаларичи Александр Катаев уяни кўздан кечирмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



КАСАНАЧИЛИК: ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президент Ислам Каримов мамлакатимизда иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса, аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, жумладан, касаначиликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган эди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик sanoat korxonalari bilan kasanchilikni rivojlantirish asosidagi ishlab chiqarish va xizmatlar urtasida kooperatsionni kengaytirishni rag'batlantirish chora-tadbirlari tufarisida" gi Farmoni joyilardagi iш bilan bанд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этиш, касаначиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш борасида муҳим дастурий амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам мақзур фармон ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бўстонлик туманидаги олти йирик корхонада касаначилик йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида "Ҳазалкент-ойна", "Ҳазалкент-мева", "Конвин" кўшма корхоналари, "Энергоқурилишхизмати", "Сувоқава" шўба корхоналари, "Тошга ишлов бериш комбинати" очик турдаги хиссадорлик жамиятида 114 нафарга яқин киши шу асосда ишли бўлди.

— Корхонамизга 35 нафар хотин-қизни касаначилик асосида ишга қабул қилдик, — дейди "Ҳазалкент-мева" кўшма корхонаси раҳбари Дониёр Ганибоев. — Аввало, уларга ўз уйларида ишлаш учун етарли шарт-шароит яратилди. Тез орада касаначиларимиз сафини янада кўпайтириш ниятида-миз.

УЗА.

Мустақилликнинг 16 йиллигига

Буюк ипак йўлидан мамлакатимиз сарҳадлари сари елиб бораётган оғир юк машиналари карвонига кўзим тушганида қалбимни азиз ва мўътабар диёримиз — Ўзбекистон учун фахр ва ифтихор туйғулари қамраб олади. Темирийўл, ҳаво ва дарё транспорти юртимизни жумлаи жаҳон билан боғлаб турибди.

Аждодлари бу юрда тўқилган шох ипақларни, шу юрт боғларида етилган ноз-неъматларни, етти пушти ҳўнарманд ўтган моҳир усталар яратган мўъжизалар — ноёб буюмлар ва асбоб-ускуналарни туя карвонларида мағриб машриққа етказиб борган ҳалқимиз. Шу аёнча авлоддан авлодга ўтиб, янги таъминланган асосида кенгайиб, мустақиллик йилларида айниқса, мафтункор жозиба касб этди. Бугун ўзбек етти иқлим мамлакатлари билан савдо-сотик қилмоқда. Бугун мустақил Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларга киришган давлатлар 70 дан ортиб кетди. Мамлакатимиз корхоналарининг тамгаси босилган хилма-хил маҳсулотлар Туркия ва Эронда, Германия ва Японияда, Латвия ва Украинада, Россия ва АКШда, Қозғистон ва Кореяда харидорлиқ. Олис ва яқин хорж бозорларида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш машина ва механизмлар, рангли ва қора металл, кийим-кечак, озиқ-овқат, пахта толасининг бозори чаққон.

Бунинг исботи учун баъзи рақамларни қиёсаланиш ўзи кифоя. Айтайлик, 2005 йилнинг биринчи ярмида ташки иқтисодий алоқаларимиз билан қамраб олинган элликдан ортиқ мамлакатга 331,4 миллион долларлик турли маҳсулотлар экспорт қилинган эди. Бу йилнинг ўтган олдти ойда эса вилоятимиз саноати ва қишлоқ ҳўжалик корхоналари томонидан 716,7 миллион доллорлик маҳсулот экспорт қилинди. Ўсиш суръатининг қанчалик жадал тус олганлигини яқол тасаввур этиш учун шуни

ган янги-янги маҳсулотларимиз жаҳон бозорларига тобора кўп кириб бораётди. Бугун вилоятимиз чет давлатларга кўлаб қора ва рангли металл, пахта толаси, кимё ва машинасозлик sanoati маҳсулотлари, жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, энергия ресурсларини жўнатмоқда. Экспорт таркибида турли-туман хизматларнинг салмоғи ортиб бораётди. Чет давлатларда сотиш учун жўнатилаётган маҳсулотлар ҳажмларининг жадал ўсиб боришига "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш

ЖАҲОН БОЗОРИ ТОМОН ЙЎЛ

айтиш кифояки, бу йилга мўлжалланган экспорт режаси олти ойдаёқ 154,3 фоизга баҳарилди.

Вилоят экспорт салоҳиятининг бу даражада ортиб бораётганлигининг сабаблари кўп. Асосийси — шаҳар ва туманларимизга хорж сармояларини жалб қилиш, хоржий шериклар иштирокида тўғридан-тўғри сармоя киритиш йўли билан барпо этилаётган корхоналар йил сайин кўпайиб бориюқда, улар тобора барқарор ишламоқда.

Сўнгги пайларда вилоятимизда хоржий сармоя иштирокида қурилган корхоналар орасида "Ҳасанбой-Муруват-Текс"нинг ўрни алоҳида. Энг замонавий технологик ускуналар ўрнатилган бу корхона яқинда Тошкент туманида ишга туширилди. Уни барпо этишга 1,5 миллион доллар миқдоридagi хоржий сармоя сарфланди. Бу янги ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларининг 80 фоизи хоржга экспорт қилинади.

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамгаси туширил-

бирлашмаси, "ОКМК", "Аммофос", "Электримасаноат" ва "ЧТЗ" очик акциядорлик жамиятларининг меҳнат жамоалари айниқса, салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Кейинги йилларда МДХ давлатлари, айниқса, Россия билан савдо-иқтисодий алоқалар жадал кенгайиб бориюқда. Россиялик шериклар билан ҳамкорликда йирик ва истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётганлиги вилоятимиз экспортни хар жихатдан кенгайиб боришда тобора муҳим ўрин тутаетир.

Бекобод, Чирчик, Олма-лик, Янгийўл шаҳарлари, Қўйраб, Заңгиота, Бўстонлик, Оққўрғон, Тошкент, Паркент, Юқоричирчик ва Янгийўл туманларида барпо этилган айрим корхоналар замонавий технологиялар асосида янги-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқараётди. Уларнинг жаҳон андозалари даражасига кўтарилаётганлиги, эркин рақобат қилиб, жаҳон бозорига тобора кенг кўламда кириб бораётганлиги қувонарлиқдир.

Шу нарсa дикқатга сазоворки, экспорт ҳажмида хо-

рижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳудудий дастури асосида барпо этилган ва янгидан иш бошлаётган корхоналар маҳсулотининг салмоғи изчил ошиб бораётди. Ўшбу дастурда кўзда тутилган лойиҳаларни амалга оширишга шу олти ой мобайнида 25,14 миллион доллар миқдоридagi хоржий сармоя жалб қилинди. Бу биринчи ярим йилликка белгиланган кўрсаткичдан 2 миллион доллардан зиёд кўп натижа демакдир.

Ҳудудий дастур лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишида хоржий

Вилоят ялли маҳсулотли ҳажмида ҳудудий дастур асосида барпо этилган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғи ортиб бораётди. Олти ойда бу кўрсаткич 56,8 миллиард сўмликка яқинлашиб қолди. Шу жумладан 34,8 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди. Хозирги пайтда "Бурсел-Тошкент" ва "Спентекс-Тошкент-Тўйтепа" сингари кўлаб кўшма корхоналар юксак маром билан ишлаб турибди. Бундай корхоналар тобора кўпайиб бораётди. Бу жараён суръатларини икки рақам яқол динлаштиради. Агар 2005 йилнинг биринчи ярмида вилоятимиз шаҳар ва туманларида 9 та хоржий инвестицияли корхона рўйхатга олинган бўлса, бу йилнинг биринчи ярмида хоржий инвестицияларни киритиш йўли билан барпо этилаётган 29 та кўшма корхона қайд этилди. Чирчик шаҳри ва Юқоричирчик туманида тўрттадан ана шундай энг замонавий корхоналар ишга туширилди.

Иил охиригача Паркент туманида "Шош инвест индустри", Ўртачирчик туманида "Секко Александр" кўшма корхоналарини ҳам фойдаланишга топшириш учун қизғин иш олиб борилаётди. Бу йил вилоят ҳудудий инвестиция дастури бўйича кўшма корхоналар барпо этишга ҳаммаси бўлиб 60,4 миллион доллар сармоя киритилиши кутилаётди. Бу борадаги олти ойлик режа 8,9 фоиз ошириб баҳарилганлиги бошланган кўлуг саз-ҳаракатлар самараси бўлаётганлигидан далолатдир.

Мамлакатимиз мустақил тараққий йўлига ўтганига 16 йил бўляпти. Тарихан жуда қисқа бу фурсатда Ўзбекистон барча йўналишларда жадал ривожланмоқда. Жумладан, йўналишлар бозоридagi ўз қадимий ўрнини тобора ишонч билан эгалламоқда. Қайта жонланган Буюк ипак йўли йили сайин серкаторн бўлиб бораётди. Унда мустақил диёримизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар карвонлари муттасил гавжумлашаётди. Ўзбекистон жаҳон бозорига янги-янги йўллари дадил очмоқда.

Жўрабек МУРОВО.

Вилоят ҳоқимлигига

ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Инсон ҳаёти — буюк неъмат. Шу боис истиқлол йилларида унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, дахлсизлиги, кадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор кўчади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу жараён бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда умум-этироф этилган халқаро меъёрларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг пухта ва изчил ҳуқуқий-қонунчилик асослари яратилишига олиб келди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» ги Фармонлари бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялли мажлиси шу фармонларга мувофиқ тайёрланган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги Қонунларни маъқуллади. Уларни 2008 йилнинг 1 январидан қўлға киритиш белгилан қўйилди.

Бу мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалдаги янги ифодаси бўлди, бу қонунлар, уларни тасдиқлаш ва қўлға киритиш муддати ҳақидаги қарорлар мамлакатимиз халқи, кенг халқаро жамоатчилик томонидан мамнуният ва қониқлиш билан қутиб олинди.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнининг ҳал қилувчи ҳозирги босқичида ушбу қонунларни қўлға киритиш билан боғлиқ қизғин тайёр-гарлик ишлари бошлаб юборилди. Улар икки йўналишда олиб борилаётди. Бир томондан, бу қонунларни фуқароларга етказиб, уларнинг мақсад ва моҳиятини кенг тушунтириш давом этмоқда. Шу мақсадда матбуот саҳифаларида, радио эшиттиришлар ва телекўрсатувларда, бошқа замонавий ахборот воситаларида кўламли тушунтириш ва тарғибот ишлари бошлаб юборилди. Иккинчи томондан, минтақавий кенгашлар ўтказилиб, суд-ҳуқуқ идоралари ходимларига ана шу қонунларни қўллаш тартиби, уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ тушунтиришлар берилмоқда.

Ана шундай минтақавий йиғилиш ақинда вилоят ҳоқимлигида ҳам бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман

ҳоқимлари, прокуратура, ички ишлар, миллий ҳавфсизлик хизмати идораларининг раҳбарлари ва ходимлари, адлия бошқармаси вакиллари, адвокатура ассоциацияси ходимлари, жиноят ишлари бўйича вилоят, шаҳар ва туман судьялари, халқ депутатлари вилоят кенгашининг айрим депутатлари, вилоят нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди.

Минтақавий йиғилишни вилоят ҳоқими вазифасини бажарувчи Зивуддин Ниёзов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош Мустафоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталарининг раислари Маъжуда Ражабова, Нуриддинжон Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бошқарма бошлиғи Ислам Жасимов, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси Мамажон Ганижонов, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси раиси Баҳром Саломов, Тошкент Давлат юридик институтининг кафедра мудири Баҳром Ахоровлар сўзга чиқиб, Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялли мажлисида ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг маъқулланиши мамлакатимизда изчил равишда ўтказиб келинаётган инсонпарвар, демократик сиёсат самараси бўлганлигини алоҳида қайд этишди, бу қонунларнинг амалий аҳамиятини атрафлича таърифлаб беришди.

Минтақавий йиғилишда бу қонунларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш суд-ҳуқуқ идораларининг ходимларидан алоҳида масъулият, пухта билим ва юқори малака талаб этиши таъкидланди. Янги қонун ҳужжатларининг қондаларини амалда табиқ этиш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

АЙРИТОМЛИК ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

«Охангарон бинокори» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари саъй-ҳаракати билан Телов фуқаролар йиғини ҳудудидаги Айритом маҳалласида 140 ўқувчи мўлжалланган янги мактаб биноси жадал сўратларда бунёд этилмоқда.

— Манзилли дастур доирасида қурилиш ишлари учун бюджетдан 192 миллион сўм маблағ ажратилган, — дейди Охангарон тумани ҳоқими ўринбосари Абдурахим Нозимиддинов. — Шу-

нингдек, Тут, Сусам қишлоқларида қуриллаётган ҳар бири 300 ўринли мактаб бинолари ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Мунаввара РАЖАБОВА.

КАСАБА УЮШМАСИ СОВҒАЛАРИ

Ялта шаҳрида ўтказилган болалар ижодиёти халқаро фестивалидан вилоятимиз ёш истеъодлари ёрғуз билан қайтдилар. Улар ижро этган тароналар фестивалда юқори баҳоланди.

Бекободдаги «Металлург» маданият саройи ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Умид ниҳоллари» болалар ижодий гуруҳининг қишқилари айниқса, кўпчиликни мамнун этди. Малика Абдуллаева — биринчи, Максим Тен эса — учинчи совринли ўринларни

қўлга киритдилар. Ёш ижрочиларнинг бу галабаси касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан муносив тақдирланиб, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муқимжон АКБАРАЛИЕВ.

КРЕДИТ БАРАКА КЕЛТИРМОҚДА

Халқ бани Бўка тумани филиали тумандаги мавжуд 395 та фермер ҳўжалиги, 61 та хусусий тадбиркор ҳамда 94 та ташкилотга хизмат кўрсат келмоқда. Банк филиали марказий бўлим, 9 та шахобча, 4 та минибанк ва 1 та махсус кассадан иборат бўлиб, имкони борича миқозларга ўз вақтида кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаётди.

Республикаимиздаги барча банклар қатори мақзур филиал томонидан ҳам Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорва молларини қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тад-

бирлари тўғрисида» ги қарори ижроси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, қорва молларини сотиб олиш учун кредит беришни сўраб мурожаат қилган 36 нафар фуқарога 61 миллион сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, 12 нафар фуқарога 6 миллион 800 минг сўм, банкнинг бўш маблағлари ҳисобидан эса 49 нафар фуқарога 29 миллион 580 минг сўм миқдориди кредитлар берилди. Хуррият МҰМИНОВА.

МАСЪУЛИЯТ КУЧАЙСА, САМАРА ОРТАДИ

Одам дунёга келибдики, унинг ҳаёти бевосита табиат ва унинг беназир неъматлари билан боғланган. Ҳар қуни мусоффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олади, зилол сувдан ташналиги қонади. Табиат яратган гўзалликларга қобиқ, ҳайратда қолади. Шундай бўлсада, ушбу неъматларни авлоддан-авлодга бус-бутунча етказиш нечоғлик муҳимлиги ҳақида барчамиз ҳам мулоҳаза юритиб кўрмаймиз. Хўш, ўтган ярим йиллик мобайнида вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бу борада қандай ишларни амалга оширди, қайси ютуқ ва муваффақиятларни алоҳида таъкидлаш жоиз? Шу ва бошқа саволлар теграсида фикр юритиш мақсадида кўмита раисининг биринчи ўринбосари Холтўра Сувоновни суҳбатга қорлади.

– Вилоятимиз ўзининг рангоранг табиати билан кишини ҳайратга солади дейди, – Х. Сувонов мунозара деб ҳисоблайди. – Кишилардаги аччiq ҳайратни сўндирмаслик учун кўмита давлат нозирлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилиши, экологик вазиятни яхшилаш ва унинг барқарорлигини сақлаб қолиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган давр ичида вилоят ҳудудидида атроф-муҳитни юқори даражада ифлосланишига олиб келувчи ҳолатлар рўй бермади.

– Вақти-вақти билан ўтказилаётган турли текширишлар кўп нарсани очиб ташлайди. Кимдир қонунга зид иш тутатганлиги ҳам аниқ шу жараёнда сарҳисоб қилинади. Шундай эмасми?

– Дарҳақиқат, текширишларга фаолиятимизнинг муҳим бир бўлаги сифатида қаралади. Шу маънода ўтган давр ичида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалига асосан 80 та корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилди. Улар натижасида 108 та далолатнома ва қонунбузарликлар ҳақидаги ҳужжатлар расмийлаштирилди. Вилоят бўйича ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текши-

ришлар натижасида 530 шахс томонидан «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилганлиги аниқланди. Бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан 2007 йилнинг биринчи ярми давомида 361 та банддан иборат қўрсатмалар берилиб, уларнинг 293 таси бажарилди, қолганлари муддати ўтмаганлиги сабабли назорат остига олинган.

Айбдорларга 10 миллион 802 минг сўм жарима солиниб, 9 миллион 406 минг сўми ундирилиб олинди. Ҳозирги кунда ҳам ундириш борасида амалий ҳаракатлар олиб борилапти.

Шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш махсус нозирлиги томонидан 8 та автокорхонада ўтказилган комплекс текширишлар чоғида 5 та транспорт воситасида углеводород қўшқисиди микдори меъёридан юқорилиги аниқланган. Натижада уларнинг ҳаракатланиш фаолияти вақтинча тўхтатилди.

– Муайян шахслар томонидан атроф-муҳит ифлослантирилганлиги ҳақида чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ундирилган тўловлар ҳусусида ҳам тўхталсангиз.

– Бундай қўринишдаги тўловлар экологик вазиятни тартибга солиб туришининг асосий омилларидан биридир. Ана шунини инобатга олган ҳолда содир бўлатган салбий ҳолатларни аниқлаш

ва улар бўйича тўловларни амалга ошириш нозирларимиз фаолиятида муҳим мезонга айланган. 2007 йилнинг биринчи ярми давомида вилоятдаги 220 та корхона раҳбарлари билан қоллама тўловлар келишиб олинди. Унга қўра бунак тўловлар ҳисобига 576 миллион 510 минг сўм маблағ маҳаллий жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушди. Ўтган йилнинг шу даврида бу қўрсаткич 461 миллион сўмни ташкил этган эди.

– Она-табиат химоясига қаратилган чора-тадбирлар самарасини нималарда кўриш мумкин?

– Бу борадаги чора-тадбирлар вилоятда экологик вазиятни яхшилашда муҳим қадам бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз. Шу маънода ўтган ярим йиллик мобайнида 21 та корхонада 31 та тадбир амалга оширилганини кўзда тутилган эди. Шулардан 11 таси атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ишлари бўйича ўтказилган бўлиб, уларга 3 миллиард 396 миллион сўм ажратилди. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ҳақида уларни қўлғуси авлодга борича қолдириш мақсадида 9 та тадбир режалаштирилиб, амалий ҳаракатлар қилинди. 1 миллиард 203 миллион сўм бу борадаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга сарфланди. Шунингдек, ер майдонларини муҳофаза қилиш бўйича 7 миллиард 251 миллион сўмлик 11 та тадбир ўтказилди.

Тадбирлар чоғида вилоят кор-



хоналари бўйича 10 минг дона ишдан чиққан симобли лампаларнинг утиллаштирилганини таъкидлаш жоиз. «Янги Ангрен» иссиқлик электр станциясида айрим мажмуалар мустақамлашиб, баъзилари бунёд этилганлиги ҳамда «Охангаронцемент» акциядорлик жамиятида 4 та айланма печнинг мукамал таъмирланганлигини муҳим тадбирлар сирасига киритиш мумкин.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган олтингурут қўшқисидининг 2000 тоннаси ҳамда Ангрендаги электр станциясида 3000 тонна қўл ушлаб қўлинишига эришилди.

Бунга ўхшаш тадбирлар «Биоким», «Охангаронгазлизцемент», «Электримёсаноат» каби корхоналарда самарали равишда ўтказилиб, бунинг учун 2 миллиард 340 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Умуман олганда, 2007 йилнинг ярим йиллиги мобайнида амалга оширилган тадбирлар натижасида ўтган даврга нисбатан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар миқ-

дори 3,2 минг тоннага ҳамда очик сув ҳавзаларига ташланаётган ифлосланган оқавалар ҳажми 3,2 миллион куб метрга камайитрилди.

– Кўмитанинг экологик сертификатлаштириш ишларини қоникарли, деб бўладими?

– Бундай экологик сертификатлаштириш ишлари кўмита қўшида ташкил этилган «Тошвил-экосертификат» бўлими томонидан амалга оширилади. Ўтган йили 53 та, бу йил эса 65 та корхона ва ташкилотнинг буюртма декларацияларига асосан экосертификацияга доир ҳужжатлари расмийлаштирилиб, «Бошдаэко-сертификация»га тақдим этилган. Бўлим томонидан экологик сертификатлаштириш ишларини ри-вожлантириш мақсадида Чирчик, Олмалиқ ва Бекбод сертификатлаштириш ва синов марказлари билан ҳамкорликда ишлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. «Ўзстандарт» агентлигининг жойлардаги марказлари билан доимий равишда ўзаро маълумот алмашиш ишлари йўлга қўйилган.

ЮТУҚЛАР БИЛАН КИФОЯЛАНГАН ЮТҚАЗАДИ

Олмалиқ шаҳри вилоятимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривож топган минтақаларидан ҳисобланади. Қолаверса, саноат, қурилиш индустрияси ҳамда транспорт соҳасида ҳам шаҳар ўз салоҳиятига эга. Шу сабабдан бу ерда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бошқа ҳудудларга нисбатан кескин тус олган.

Ҳозирги кунда минтақа экологлари вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларини турли йўналишларда олиб боришмоқда. Улар фаолиятининг асоси атмосфера ҳавоси, сув, tupрок, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси фаолиятини доимий назорат қилиш, теварак атрофдаги муҳитнинг келажаги билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этиш, сувларга зарарли моддаларни оқизиш ҳолатларини чеклашга қаратилган. Айниқса, бу борада саноат корхоналари раҳбарлари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар» режаси асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Унга биноан эришилаётган ютуқлар ҳамда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар инобатга олинган ҳолда иш олиб боришмоқда.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар эса ўз натижасини бераётганлигини таъкидлаш жоиз. Биргина тоза ҳавонини муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган тадбирларнинг олиб кўралиқ. Уларнинг самарасини атмосферага зарарли моддаларни чиқариб ташлаш икки баробарга камайганлигида кўриш мумкин. Шаҳарда минтақавий кўмита ташкил этилаётган вақтда йилига 200 минг тоннадан зиёд ана шундай «заҳри қотил»лар чиқариб ташланарди. Ҳозирги пайтда эса, бу қўрсаткич 100 минг тоннага камайитирилшига эришилди.


Лекин шунинг эътибордан қочириш керак эмаски, йилдан йилга корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ортиб боришмоқда. Ўзгирометорология ташкилотининг атмосфера ҳавоси ифлосланиши хусусиятлари бўйича маълумотларига қўра, охириги 2-3 йил ичида Олмалиқ минтақасида ҳаводаги чанг, картон, азот, олтингурут оксидлари, азот қўшқисиди, азон, фенол, қаттиқ ва водород фторидлари, аммиак каби концентрация-

ларнинг санитария ва экологик ҳолати меъёридан камайиб бораётир. Лекин кўмита ходимлари эришилган ютуқлар билан кифояланиб қўлаётганлари йўқ. Кўмитамиз ходимлари томонидан ўтган ярим йиллик давомида юқорида қайд этилган чора-тадбирлар режасига қўра 1 миллиард 630 миллион сўм ўрнига 1 миллиард 744 миллион сўмлик тадбирлар амалга оширилди.

«Тоза ҳаво» ойлари эса, ҳар қачонгидан ҳам намунали тарзда ўтказилди. Охангарон ўрмон ҳўжалиги лабораторияси ходимлари билан биргаликда амалга оширилаётган мониторинглар ҳам ўз самарасини бераётир. Буларнинг натижасида ўтган йилнинг биринчи ярмида содир этилган 17 та қонунбузарлик ҳолати бўйича 310 минг сўм жарима ундирилган бўлса, жорий йилда эса 47 ҳолат бўйича 767 минг сўм ундирилди.

Минтақани энг кўп ифлослантирувчи корхоналар назорати қатъий талаб асосида олиб борилаётганлиги боис улар томонидан ҳавонини ифлослантириш ҳолатлари кескин камаймоқда.

Шоасқар ШОНОСИРОВ, Олмалиқ табиатни муҳофаза қилиш минтақавий кўмитаси етакчи мутахассиси.





Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилоти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси саҳифаси

«Қизил китоб» саҳифасларига ЮЗАСУЗАР ҚИМОЯГА МУҲТОЖ

Тошкент юзасузарлари – кам сонли галаларда яшайдиган ўтроқ дарё балиғи. У ўз оиласининг қисқариб бораётган локал тарқалган эпидемик тури ҳисобланади.

Юзасузар Чирчик, Охангарон дарёлари ҳавзаларининг урта ва қуйи оқимлари бўйлаб тарқалган. Шунингдек, Қозогистонда ҳам учрайди. Дарё қирғоқларидаги саёз жойлар ҳамда кўлларнинг оқар сувли қўлтиқларида яшайди. Бу балиқнинг сони охириги ўн йил ичида кескин камайиб кетган. У 2 ёшда жинсий вояга етади. Урчиши – май ойида. Серпуштчилиги 0,5 – 1,5 минг увилдирди атрофида. Сув ҳашаротларининг личинкалари, сув ўтлари, жонворларнинг чириётган қолдиқлари ва ўсимликларнинг уруғлари билан озиқ-

ланади. Дарёлар оқимининг сунъий тартибланиши ва сувнинг камайиши, ифлосланиши, қўпайиши, шароитларининг ёмонлашиши ҳамда келгинди балиқларнинг рақобати бу балиқлар сонининг кескин камайишига олиб келади. Афсуски, ҳанузгача махсус қўпайтириш чора-тадбирлари қўрилмаган.

Ҳозирда Уғом-Чотқол табиат миллий боғида муҳофаза қилинади. Яшаш жойларида муҳофазасини ташкиллаштириш, аҳоли орасида тушултириш ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Олам ажойиботлари 100 КУН СУВСИЗ...

Шимолий Американинг жануби-ғарбидаги чўлларда ғалати ҳайвон – тошқол олмаҳони яшайди. Бу нияҳотда ҳаракатчан мавжудот 100 кун давомида сув ичмасдан яшай олади. Ҳатто бир ой сувсиз яшаш мумкинлиги билан ҳаммага маълум бўлган улкан туя ҳам бу ҳайвоннинг олдига туша олмади. Олимлар ҳозир бу кичик жонивор қандай қилиб узок муддат сувсиз яшашга мослашганлиги сирини ўрганишмоқда.

ТУЗ ТОҒЛАРИ

Бир литр океан сувида эриган ҳолдаги 35 грамм ҳар хил туз бўлиши аниқланган. Океан ва денгизлардаги ҳамма сув бўғлашиб кетгудек бўлса уларнинг тубида 14 қаватлик уйнинг баландлигига тенг келади туз «тоғлари» ҳосил бўлади.

ТЕЗ ЎСУВЧИ ЎСИМЛИК



Бамбук ер юзида энг тез ўсадиган ўсимликлардандир. Бир кеча-кундузда у қарийб 50-60 сантиметрга ўсиши мумкин.

ИЛОЖИ БЎЛСА

Шақирлаб қайнаб турган бир литр сув энергияси 900 килограмм оғирликдаги юкни ўн қаватли бино баландлигига олиб чиқиш учун етарли бўлади.

САМОЛЁТДАН ҲАМ ЎЗАДИ

Энг яхши автомобиль ва самолётлар ҳам учқурлиги жиҳатидан чивинга тенг кела олмади. Бир литр гул шираси чивинга 150.000.000 километр масофага учиши учун етади.



ОБОД ШАҲРИМ МЕНИНГ

Кўмитамизда яхши бир анъана бор. Ҳар йили июль-август ойларида санитария-соғломлаштириш тадбирини ўтказамиз. Бу эса Чирчик шаҳри янада обод ва кўркам бўлишига хизмат қилаётир.

Бу йил ҳам маъкур тадбир катта уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Бунинг учун шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, маҳалла йиғинлари вакиллари ҳамда ходимларимиз ҳамкорликка бел боғлашган. Тадбир доирасида 44 та маҳалла ҳудудида касаллик туфайли ёки табиий равишда қуриган дарактлар аниқланиб, рўйхати тузилмоқда. Улар олиб ташланиб, ўрнига янгилаштирилди.

Тадбирнинг аҳамиятли томони шундаки, маҳаллаларда қўқаламзорлаштириш билан бирга маҳаллий аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилапти. Самимий суҳбатлар чоғида табиат инсонлар учун бебаҳо бойлик эканлиги, унинг неъматларини кўз қорачиғидек асраш зарурлиги таъкидланяпти. Фуюқлардан бундай тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда.

Ғайбулла ЖўРАЕВ, Чирчик минтақавий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.

Корхонамиз асосан минерал ўғитлар ҳамда кимёвий хом ашёлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу маҳсулотлар қишлоқ ҳўжалиги ва саноат соҳалари учун ғоят муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга экологик ҳавфсизлик қонун-қоидаларига риоя қилиш ҳамда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш фаолиятимизнинг ажралмас бўлагига айланган.


Корхона қошида лаборатория ташкил этилган бўлиб, унинг иши ишлаб чиқариш жараёнини экологик жиҳатдан назорат қилиш ҳамда зарурий таҳлилларни олиб боришдан иборат. Ҳозирда лабораторияда 47 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётир. Улар учун барча иш шартлари яратилган бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Лабораторияда иш учта меъёрий ҳужжат асосида олиб борилиб, оқова сувлар, атмосферага ташланадиган зарарли моддалар ҳамда қаттиқ чиқиндиларнинг таркиби, ҳажми бўйича таҳлиллар ўтказилади.

Ўтган йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида корхонада 82 миллион 610 минг куб метр ҳажмда сув ишлатилиши бўйича меъёр белгиланган эди. Лекин таҳлилларга қўра, сарфланган сув микдори 57 миллион 204 минг куб метрни ташкил этди. Жорий йилда тежамкорликка эришиш учун қўллаб қоратилган тадбирлар амалга оширилди. Натижада 82 миллион 610 минг ўрнига 65 миллион 185 минг куб метр сув ишлатилишига эришилди. Ўз ўрнида ишлаб чиқариш учун Чирчик дарёсидан олинган сув тозаланиб,

яна шу даража оқизилади. Ўтган йили сув сақлаш ҳавзалари орқали 36 миллион, коллектор ёрдамида 13 миллион ҳамда капролактан ишлаб чиқариши орқали эса 402 минг куб метр сув даража чиқарилди. Бу йил шу кунгача 57 миллион 253 минг куб метр оби-ҳаёт қай ҳолатда олинган бўлса, шундайлигича ўз ўзанига оқизилди.

Шунингдек ўтган ярим йиллик

МУВАФФАҚИЯТНИ ТАЪМИНЛАГАН ТАКЛИФ



давомида ишлаб чиқариш жараёнини соғломлаштириш ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар корхонамиз учун самарали даромад келтираётганлигини таъкидлаш жоиз. Энг аввало, 2-бўлимдаги биологик тозалаш иншооти ҳамда аммиак ҳидидаги музлаткич таъмирланди. Капролактан ишлаб чиқариш бошқармаси ҳудудидаги сув ҳавзалари

коллекторларини ер сиртига олиб чиқиш лойиҳаси муваффақиятли яқунланди. Сувни айланма усулда қайта ишлаш бўйича амалга оширилган таъмирлаш ишлари ҳамда аммиакли селитра ишлаб чиқариш ҳидида фильтрловчи элементларнинг ўзгартирилганлиги қўтилан натижани бераётир. 36 минг дона люминесцент лампалар 1-класс ҳавфсизлик бўйича утилизацияга топширилди. Бу каби чора-тадбирларни амалга ошириш учун эса салкам 100 миллион сўм маблағ сарфланди. Шу билан бирга 2 миллион 222 минг сўм қоллама тўловлари ўз вақтида тўланди.

Атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда техник ҳавфсизлиқни таъминлашда ишчи-ҳодимларнинг ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фикримга мисол сифатида карбамид ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Абдусаттор Ғаниевнинг келтиришим мумкин. У ўзининг янгиликка интилувчанлиги, тиришқоқлиги, изланувчанлиги билан жамоа ўртасида обрў-эътибор қозонган. Яқинда у гидролиз ускунасини реконструкция қилиш тақлифини кўтариб чиқди. Ўз наъбатда корхона раҳбарияти бу ташаббусни амалиётга таътиқ этди. Натижада оқова сув таркибидидаги ион азоти кескин камайди. Энг асосийси, экологияни ифлослантириш бўйича тўлаб келинаётган турли жарималар 70 фоизга камайди.

Ҳамидулла Йўлдошев, «Электримёсаноат» очик ҳиссадорлик жамияти бош муҳандисининг техника ҳавфсизлиги ва экология бўйича ўринбосари.

ЭРТАРОҚ БОШЛАГАН ЯХШИ

Болалар бизнинг келажагимиз, эртанги кунимиз ворислари ҳисобланишади. Уларнинг ҳар томонлама қўлини инсон бўлиб шаклланишлари учун ёшлитиданки она-Ватанга, жоноҳон табиатимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашимиз лозим.

Янгийўл туман халқ таълими бўлимига қарашли «Кичкинтой» 10-мактабгача таълим муассасамизда 155 бола тарбияланади. Улар, асосан, экологик тарбия, спорт ва тил ўрганиш йўналишлари бўйича таълим олишади. Машгулотлар жараёнида болақонларга она-табиатни севиш, унинг ноёб бойлиқларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш лозимлигига оид экологик тушулчалар синдириб борилади. Тарбиячи И. Обуховскаянинг экологик тарбия бўйича машгулотлар қўлланмаси мактабгача таълим муассасалари орасида оммалаштирилган.

Она-табиатни асраб-авайлашга оид «Меҳр-жон», «Қушларни асранг», «Гуллар байрами» каби тадбирлар муассасамизда кенг нишонланади. Куз фаслида тарбиячилар анъанага айланиб қолган «Олтин куз» мавзусида очик машгулотлар ўтказиладилар. Уларга ота-оналар ҳам тақлиф этилади.

Албатта, бу борада бизга вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан йўлга қўйилган ҳамкорлик қўл келмоқда.

Муҳайё ШАРАББАСОВА, мактабгача таълим муассасаси мудири.

Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассиси Қўбиладжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Хуршида НАЗАРОВА тайёрлашди.

